

Қуръони Карим кишиларни тавозуъли, камтар бўлишга чақиради



19:00 / 26.03.2024 1556

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿مَسْئُولًا عَنْهُ كَانَ أُولِيكُ كُلُّ وَالْفُؤَادَ وَالْبَصَرَ السَّمْعَ إِنَّ عَلَّمُ بِهِ لَكَ لَيْسَ مَا نَقَفُ وَلَا﴾

«Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил - ана ўшаларнинг барчаси сўралажак нарсалардир» (Исро сураси, 36-оят).

Ислом ҳар бир нарсани илмий асосда олиб боришга даъват қилади.
Билмаган нарсадан четда бўлишга чақиради.

«Ўзинг билмаган нарсага эргашма!»

Ҳар бир нарсани очиқ-ойдин ва аниқ билиб олгачгина унга ишониш ва у ҳақида ҳукм чиқариш керак. Гумон билан, бировнинг гапига ишониб, турли ноаниқ ишораларга суяниб ҳукм чиқариш мусулмонларга хос эмас. Билган нарсасини борича етказиш ҳам омонатдир. Қулоқ нима гапни эшитса, хиёнат қилмай, ўша гапни аниқ етказиши керак. Кўз бир нарсани кўрса, ўша ўзи кўриб-билган нарсага хиёнат қилмай, у ҳақда очиқ-ойдин маълумот бериши керак. Шунингдек, дил нимани идрок этса, ўша нарсани аниқлик билан етказмоғи зарур. Бу аъзоларнинг билган, идрок этган ҳар бир нарсаси илмий омонат саналади. Омонатга хиёнат қилмаслик катта масъулият ҳисобланади. Кўз ҳам, қулоқ ҳам, дил ҳам ҳар бир нарсадан масъулдир. Бу дунёда бўлмаса, у дунёда албатта масъулдир. Айниқса, охиратдаги ана ўша масъулият мусулмонларни илмий омонатга ҳеч хиёнат қилмасликка ундаган. Улар доимо билганлари ҳақида тўғри маълумотлар берганлар. Ушбу ояти каримага ўхшаш оятлар, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари уларни доимо илмий омонатга хиёнат қилмай, тўғри маълумотлар беришга чорлаб келган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бир ҳадисларида: «Гумондан эҳтиёт бўлинглар, чунки гумон энг ёлғон сўздир», – деганлар.

﴿٣٧﴾ طُولًا لِحَيَاتِ بَلْعٍ وَلَكِنَّ الْأَرْضَ تَحْرِقُ لَنْ إِنَّكَ مَرَحًا الْأَرْضِ فِي تَمَشٍ وَلَا

«Ер юзида кибру ҳаво ила юрма! Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор баландликда тоғларга ета олмайсан!»
(Исро сураси, 37-оят).

Қуръони Карим кишиларни тавозуъли, камтар бўлишга чақиради. Кибру ҳаво, мутакаббирлик мусулмон одамга тўғри келмайди. Бу сифатлар иймонли, Аллоҳнинг улуғлигини ҳис этган ҳар бир инсон учун ётдир. Ўзининг ожиз бандалигини унутган шахсгина ер юзида кибру ҳаво ила юради. Лекин кибру ҳаво билан қаерга ҳам борарди? Нима ҳам қўлидан келарди? Қуръони Карим таъбири билан айтганда, ерни тешиб юборармиди ёки бўйи тоғларга етиб қолармиди? Ҳеч нарса бўлмайди. Бекорга овора бўлгани қолади, холос.

﴿٣٨﴾ مَكْرُوهًا رَبِّكَ عِنْدَ سَيِّئِهِ، كَانَ ذَلِكَ كُلُّهُ

«Буларнинг барча ёмонлари Роббининг ҳузурда ёқтирилмагандир»
(Исро сураси, 38-оят).

Яъни, юқоридаги оятларда зикр қилинган нарсаларнинг ёмонлари Аллоҳ севмаган ишлардир.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди